

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ПИРОВАРД НАТИЖАСИ СИФАТИДА

**Б.М.Бобоқулов (СамДУ доценти),
А.С.Собиров, Ф. А. Ахмедова. (СамДУ магистрлари)**

Резюме

Иқтисодий ўсишни таъминлашда миллий иқтисодиётнинг макродаражадаги барқарорлиги асосий омил ҳисобланади. Ушбу мақолада макроиқтисодий барқарорликнинг назарий жиҳатлари, макроиқтисодий барқарорликка эриш йўллари, иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари очиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: иқтисодий мувозанатлик, иқтисодий ўсиш, иқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқариш унумдорлиги, иқтисодий ўсиш турлари.

Резюме

В обеспечение экономического роста основным фактором является макроэкономическая стабильность национальной экономики. В данной статье основное внимание уделено на раскрытые теоретические аспекты макроэкономической стабильности пути достижения макроэкономической стабильности, решения проблемы обеспечения экономического роста.

Ключевые слова: экономические равновесия, экономический рост, экономическая стабильность, производственная производительность, виды экономического роста.

Resume

Macroeconomic stability is the main factor of ensuring economic growth. Theoretical aspects of macroeconomic stability, problems of ensuring economic growth, ways of reaching macroeconomic stability are discussed in the given article.

Key words: Economic equilibrium, economic growth, economic stability, efficiency of production, types of economic growth.

Бозор амал қилаётган қандай мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш хўжалик юритиш шакллари оlib борилаётган иқтисодий ислохотлар талабига қай даражада жавоб бериши билан ҳамда амал қилиши билан узвий боғлиқдир. Миллий иқтисодиётни барқарорлиги ва уни иқтисодий жиҳатдан ривожланиши энг аввало макроиқтисодиёт даражасида иқтисодий мувозанатликка эришишни талаб этади.

Иқтисодий мувозанатлик эса миллий иқтисодиётнинг амал қилиш шакли бўлиб, унинг ҳаракат даражалари ва қўлами турлича бўлади. Иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида иқтисодий мувозанатлик бизнинг фикримизча, шундай иқтисодий жараёнки, бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий қисми ўз иқтисодий фаолиятларидан қониқиш ҳосил қилишиб, уни ўзгартиришга иқтисодий сабаб қидирмайди. Аммо бизнинг фикримизча, бундай ҳолат қисқа муддатлидир, чунки бу ҳолда ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасида иқтисодий рақобатни чуқурлаштиришга, ўзоқ муддатга мўжалланган стратегик режалар, дастурлар тузишга ҳамда уларни амалга оширишга мажбур қилади. Демак, ҳар қандай шаклдаги иқтисодий мувозанат нисбий характериға эға бўлиб, уларни макродаражада узок муддат ичида сақланиши иқтисодий барқарорлик категорияси билан ифодаланади.

Иқтисодий барқарорлик тушунчасини мазмунли узвий боғланган икки жараён ўртасидаги мувозанатнинг қисқа давр ичида, сақланиб туришини ифодалайди. Макродаражадаги иқтисодий барқарорлик энг аввало ялпи талаб ва ялпи тақлиф ўртасидаги мувозанат орқали эришилади. Ҳамда қлар ўртасидаги мувозанат бошқа иқтисодий мувозанатни таъминлашга асос яратади ва таъсир кўрсатади. Бундай макроиқтисодиёт даражасидаги мувозанатларға ишлаб чиқариш билан исътемом, ишлаб чиқариш билан

жамғарма, аҳолининг шахсий пул даромадлари билан аҳоли истеъмол товарлари ва хизматлари, бозордаги инвестицион товарлар билан аҳоли истеъмол товарлари, номинал иш ҳақи билан реал иш ҳақи, ишлаб чиқариш омиларининг сарфланиш натижалари билан даромадларнинг тақсимланиши ўртасидаги мувозатликлар киради. Бир ҳолатини инобатга олиш зарур яъни, иқтисодий мувозанатларни амалдаги қуринишларидан хўжалик юритувчи субъектларни қаноатланиши ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳамдир. Шу билан биргаликда у макро ва микро иқтисодиёт миқёсида иқтисодий ўсишни муҳим омили бўлиб, хизмат қилади. Бизнинг фикримизча масаланинг иккинчи томони ҳам бор, яъни иқтисодий фаолияти билан шуғуллаётганларни мавжуд иқтисодий шароит қаноатлантирса ҳамда иқтисодий фаолиятининг бундан кейинги ҳаракатидан манфаатдорлиги, қизиқишни ортишига ёрдам беришига шароит яратилса, ўшандагина иқтисодий ўсиш рўй бериши мумкин. Агар, жамиятда вужудга келган иқтисодий мувозанатлик ҳолати иқтисодий субъектлар манфаатига, қизиқишга зид келса, жамият мавжуд иқтисодий ресурсларидан самарали фойдалана олмайди, иқтисодий ўсиш суръати, аҳоли турмуш даражаси пасайиб ва иқтисодиётда танглик аломатлари пайдо бўла бошлайди.

Иқтисодий фаолият субъектларини жамиятдаги мавжуд иқтисодий шарт-шароитдан қониқиши, уларни ташаббускорлигининг ўзаро уйғунлашуви, иқтисодий мувозанатликда ўз ифодасини топади. Бу ҳолда иқтисодий мувозанат ишлаб чиқаришнинг шакли ва туридан қатъий назар бозор субъектларининг фаолиятининг фаолаштиришга ундаши лозим.

Иқтисодий ривожланиш туғрисида сўз юритганда нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, балки ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа иқтисодий кўрсаткичлар, яъни хўжаликнинг устав капитали ошиши, даромади фойда миқдорининг купайиши, хўжаликда ишлайдиганларнинг сони иш ҳақи миқдори, капитал сиғими ва қайтими каби кўрсаткичларнинг ижобий тамонга ўзгаришнинг қамраб олади.

Демак, иқтисодий ўсиш деганда, қисқа давр давомида реал ишлаб чиқаришнинг кўпайишини эмас, балки ўзоқ давр ичида, иқтисодий имкониятларидан келиб чиқан ҳолда, реал ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ресурслар билан биргаликда ўзгариши ёки ўзоқ вақт оралиғида ишлаб чиқариш салоҳиятини бир мувозанатлик ҳолатидан иккинчи мувозанатлик ҳолатига ўтиши тушуниши лозим. Иқтисодий ўсишини ўрганишда асосий эътиборини унинг суръатларига бериш лозим. Шу сабабли реал иқтисодий ўсишини таҳлил қилганда нафақат унинг жўшқинлигини белгиловчи омилларини, балким макроиқтисодиёт даражасида тармоқлараро ва институционал таркибий ўзгаришларини, ҳамда давлатнинг бу йўналишда олиб борилаётган ички ва ташқи иқтисодий сиёсатини ҳам ўрганиш ҳам зарур.

Маълумки, реал иқтисодий ўсиш ўз ифодасини иқтисодий ресурсларининг чекланганлиги билан эҳтиёжларини чексизлиги ўртасидаги зиддиятининг такрорланиши ва ечимини топади. Ушбу зиддиятни ечиш, бизнинг фикримизча икки усулда амалга оширилади: Биринчидан, бу ишлаб чиқариш имкониятларини купайтириш бўлса, иккинчидан, мавжуд ишлаб чиқариш имкониятидан самарали фойдаланиш йўл-йўриқларини излаб топишдан иборатдир. Лекин, ҳар иккала усулнинг амал қилиши мобайнида янги эҳтиёжларвужудга кела веради.

Ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш нафақат ижтимоий эҳтиёжларининг миқдор жиҳатдан ўсишга, балки таркибий ўзгаришига ҳам бевосита боғлиқдир. Реал ҳолатда аҳолини қайси бир қисми, қандай товарни қисқа вақт ичида афзал кўриши тез ўзгариб, ишлаб чиқариш ресурслари ва ишлаб чиқаришнинг таркиби унга тез мослаша олмайди, яъни эҳтиёжлари ўзгариши суръати билан уларни қондириш имконияти вақтида бир-бирига мос келмайди.

Ҳозирги вақтда иқтисодий ўсишга икки ёқлама ёндашиш кенг тарқалмоқда. Биринчи йўналиш бу иқтисодий фаолиятнинг натижаси сифатида қабул қилинган реал ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот ёки реал миллий даромад ҳажмининг ўсиш суръати, иккинчиси эса, бу реал миллий маҳсулот ва реал миллий даромаднинг жон бошига тўғри

келишидир. Бизнинг фикримизча юқоридаги йўналишдан қайси бирини танлаш ушбу масалани ечишини ечиши учун қўшган мақсадига боғлиқ. Биринчи йўналишдаги иқтисодий ўсишни аниқлаш кўп ҳолларда давлатнинг такрор ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлаш мақсадида ишлатилса, иккинчиси эса, жамият асосларининг турмуш даражаси динамикасини ҳамда бу кўрсаткичларни бошқа мамлакатлар билан тақозлаш учун ишлатилади.

Реал ишлаб чиқаришнинг ҳажми унинг таркибий жамиятда мавжуд бўлган институционал ўзгаришлар билан биргаликда ҳамоҳанг олиб борилиши лозим. Бу масала ҳам мувозанатнинг муҳим масаласи бўлиб, уни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Бундай шароитда мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлашда бозор механизмларидан ташқари давлат механизмларининг роли ошиб бораверади. Иқтисодиёт назариясига оид бўлган адабиётларда кенг ёритилган Э.Домар ва Р.Харроднинг иқтисодий ўсиш назариялари мавжуд бўлиб ўрганиш ва ҳисобга олиш фойдадан ҳоли эмас. Масалан Э.Домар моделида узоқ муддатли иқтисодий ўсишга аҳолининг тўла бандлик муаммоси ҳисобига олинган бўлса, Р.Харрод моделида эса, иқтисодий ўсиш нафақат тенгламалар асосида уларнинг нисбатлари балки уларнинг функционал алоқалари ҳамда тадбиркорлигини психологик мотивлари ҳам ҳисобига олинади. Албатта, бу шароитларнинг ҳисобига олиниши қисқа ва ўзоқ муддатларга мўжалланган иқтисодий мувозанатликни таъминлашда ва унинг тенденциясини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Иқтисодий ўсиш назариясида иқтисодий ўсиш ўзоқ ва ниҳоятда ўзоқ муддатли даврларга бўлиб ўрнатилади. Лекин, шуни айтиш керакки муддат жиҳатдан иқтисодий ўсишнинг “ўзоқ ва ниҳоятда узоққа” бўлиниши асосан ўзининг концептуал муҳимлигига сифат жиҳатдан янги ҳодиса ёки жараённинг вужудга келишигача бўлган иқтисодий ўсишни ўз ичига олади. Неокейнсчилар ва неоклассик иқтисодий ўсиш назариясининг тарафдорлари узоқ даврга мўжалланган иқтисодий ўсиш муддатини асосий капиталнинг амал қилиш циклига тенг, деб ҳисоблайди.

Реал ҳаётда шундай иқтисодий жараёнлар бўладикки, ўзоқ ва ниҳоятда ўзоқ муддатга мўжалланган иқтисодий ўсишларни таъминлайдиган таркиби, институционал ва функционал ўзгаришлар ўзоқ вақтдаги ўзгаришларга нисбатан олдинроқ, яъни, мўжалдаги вақтдан олдин содир бўлиши мумкин. Лекин, шунга қарамасдан ниҳоятда ўзоқ муддатдаги иқтисодий ўсишни таҳлил этганда, бизнинг фикримизча, нинг икки хусусиятини ҳисобга олиш зарур.

Биринчидан, иқтисодий ўсиш иқтисодий ривожланишнинг таркибий элементи, таркибий қисми сифатида қаралиб, таҳлил қилиниши лозим. Сабаби, маълум қисқа давр ичидаги иқтисодий ўсиш иқтисодий циклини келтириб чиқаришга ўз таъсирини кўрсатса, маълум бир қисқа давр ичидаги иқтисодий ўсиш иқтисодий циклнинг натижаси сифатида намоён бўлади. Бундан шундай хулоса чиқардикки, узоқ давр ичидаги иқтисодий ўсиш таҳлил қилинганда эътиборни унинг шу даврдаги ўсиш суръатига эмас, балки иқтисодиётдаги глобал ўзгаришлар, барқарор тенденциялар ва қонуниятларга қаратиш лозим бўлади.

Иккинчидан, иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий асослари, яъни тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларининг тўқнашиши билан боғлиқ бўлган зиддиятлар ҳамда ташқи муҳитнинг ўзгариши шароитида янги иқтисодий таркибининг ташкил топиши, иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш ва бу масалаларни ҳал қилишда давлат институтлари ролининг ўзгариши каби масалалар таҳлил қилинади. Демак, макро микро даражадаги иқтисодий ўсиш қисқа, ўзоқ ва ниҳоятда ўзоқ давр ичида бўладими, бундан қатъий назар унинг ўз олдида қўйган пировард мақсади аҳолини моддий маънавий эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш, халқ фаровонлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашдир.

Иқтисодий ўсишдан кўзланган мақсади қўйидагилардан иборат:

- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал миллий даромадни кўпайтириш;

➤ Иқтисодий фаолият иштирокчилари ва аҳолининг бўш вақтини кўпайтириш;

➤ Реал миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишини такомиллаштириб, жамият аъзоларининг, жумладан, меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз ишсизларга тегадиган маҳсулот ҳиссасини ошириб бориш, ижтимоий ҳимоялаш, жамиятда ижтимоий адолат тамойилларни қарор топтириш;

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, иқтисодий ўсишдан кўзланган мақсад, жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириб, уларни фаровонлигини оширишдир.

Иқтисодий ўсиш билан иқтисодий мувозанатнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилганда, бизнинг фикримизча, иқтисодий ўсишнинг иқтисодий мувозанатликка таъсирини ва акс таъсирини таҳлил қилиш зарур.

Бу таъсир ва акс таъсир йўллари қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, иқтисодий ўсиш мамлакат ичида ва мамлакатаро рақобат шароитида амалга ошганлиги сабабли, у товарлар ва хизматлар сифатини оширишни ва уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини кучайтиришни такозо этади;

Иккинчидан, қондирилмаган эҳтиёжларни янги товарлар ишлаб чиқариш эвазига қондиришга шароит яратади;

Учинчидан, ишлаб чиқариш ресурсларнинг халқ хўжалиги тармоқлари, соҳалари ва минтақалари бўйича тақсимланишини такомиллаштириш эвазига уларни самарадорлигини оширади;

Тўртинчидан, ишлаб чиқариш омилларининг унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган чора тadbирлар, усуллар такомиллаштирилади ва инсон омилига эътибор, унга сарфланадиган инвестиция ҳажми кўпаяди;

Бешинчидан, бозор иқтисодиёти ўзининг табиатига кўра, жамиятининг баъзи бир ижтимоий масалаларига салбий муносиватида бўлишига қарамасдан, иқтисодий ўсиш, жамиятдаги ишсизларни камайитириш, хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишига ундайди;

Олтинчидан, иқтисодиётда мутаносиблик ва мувозанатлик таъминланган шароитдагина иқтисодий ўсиш рўй беради ва ўзига хос вазифаларини бажара олади.

Бу ерда ўсиш турли даражада иқтисодий мувозанатликнинг якуний натижасисифатида юзага чиқади. Сабаби, иқтисодий мувозанатлик таъминланганини ифодалайдиган асосий кўрсаткичлар ЯММ ва ЯИМнинг ошиши ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ҳажмининг кўпайишидир.

Иқтисодий микро, макро ва ҳудудий мувозанатликнинг қарор топганлигини ифодаловчи ва тақсимловчи муҳим интеграл кўрсаткич сифатида юзага чиқади.

Жамият томонидан иқтисодий ўсишни таъминлашда юқорида келтирилган икки усулнинг ҳиссаси қай даражада эканлигини аниқлаш ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ёки соф миллий маҳсулот (СММ)нинг таркибий қисмларига қараб аниқланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг кўпайиши суръати билан уни ишлаб чиқаришда иштирок этган омиллар ҳажми ўртасидаги мутаносибликка ва иқтисодий ўсиш турига боғлиқ. Маълумки, иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив типлари мавжуд. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив турига моддий неъматлар ва хизматлар ҳажми кўшимча харажатлар, яъни кўшимча меҳнат воситалари ва ресурсларни кўп жалб этиш эвазига амалга оширилса, интенсив типда эса ишлаб чиқаришнинг ҳажми ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, прогрессив технологияни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш асосида эришилади. Бу типдаги иқтисодий ўсиш жараёнида ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ўсиши жами реал харажатлар ҳажмининг ўсишига қараганда тез суръатлар билан ривожланади.

Маълумки, иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив кўриниши реал ҳаётда соф ҳолда учрамайди. Ҳамма вақт иқтисодий ўсиш омилларнинг фан техника тарақиёти асосида миқдор жиҳатидан такомиллашуви ҳар доим ишлаб чиқариш воситаларига, ишчи кучига, ишлаб чиқариш ресурсларига кўп инвестициялар сарфлашни тақозо этади ва шу сабабли ишлаб чиқариш ресурсларини сифати ўзгариб боради. Шундай экан, иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив кўринишлари ўзаро уйғунликда амал қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 1.Каримов И.А. 2014йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафар этиш, ўзини оқлаган ислохатлар стратегиясини исчил давом этириш йили бўлади. 2014йил 17 январ Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.
- 2.Каримов И.А. мавжуд имконият ва ресурслардан оқилона фойдаланиш-тараққиёт омили. Тошкент Ўзбекистон 2004йил
3. Каримов.И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил.
- 4.Ахмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт. - Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004
5. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 4-е изд./ Пер.с англ. – СПб.: Питер, 2009.
6. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ., -М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009.